

SCIENCE AND EDUCATION

The background of the cover is a complex, abstract design. It features a large, light gray gear-like structure with concentric circles and radial lines. Overlaid on this are various geometric shapes and patterns. A prominent feature is a central circular graphic composed of orange and blue segments, resembling a stylized sun or a molecular structure. Below this, there is a cluster of blue squares arranged in a circular pattern. The overall aesthetic is technical and scientific, with a focus on geometry and motion.

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 10

OCTOBER 2022

19.	Qurbonqul Mavlanqulovich Karimqulov, Ikromjon Esanboyevich Uzoqov Madraim Xasanovich Sarikulov Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash	151
20.	Аминабону Одидовна Толибова, Шерзод Фарходович Мажидов Проблема эвтаназии в современной медицинской парадигме	159
21.	Yusufboy Rajabov, Nodirbek Rajabaliyev, Shaxzodbek Turobov Difenilaminning ChemOffice dasturida olingan spektral va energetik xarakteristikalarining nazariy tahlili	168
22.	Zulfizar Nurali qizi Akramova, Abduraxim Abdurasulovich Ochilov Gazlarni oltingugurt angidridi (SO ₂) dan absorbsion usulda tozalash	173
23.	Sh.Q.Nematov, Y.M.Kamolova, R.M.Nazirov Nutqida nuqsoni bo'lgan bolalarni tovush talaffuzini yaxshilashga qaratilgan WEB dasturiy ta'minot	179
24.	Shaxnoza Faxritdinovna Tilloyeva, Qahramon Qandiyorovich Sharipov Mineral adsorbentlar-seolitlarning yutuvchanlik xususiyatlari tadqiqoti	183
25.	Tukhtasin Butayev, Jalilbek Madiyrov Suvning ifloslanish darajasini nazorat qiluvchi mexatron qurilma	189
26.	Zulfizar Nurali qizi Akramova, Abduraxim Abdurasulovich Ochilov Tabiiy gazni kislotali komponentdan adsorbentlar yordamida tozalash	196
27.	Axtam Ashraf o'g'li Ahadov, Abduraxim Abdurasulovich Ochilov Tamponaj sementlari va ulardan neft va gaz quduqlarida foydalanish	201
28.	С.Ф.Фозилов, Х.М.Мустафоев, А.Қ.Рахматов, Д.С.Собирова Шўртангазкимё мажмуаси иккиламчи чиқиндисини куйи молекулали полиэтилендан дизел ёқилғисини учун депрессор присадкаларини олиш	207
29.	Инъомжон Гуломович Ганиев Проблемы эксплуатации дорожных сооружений в странах мира	214
30.	Эльёр Ғаниев Давлат хизматларини ракамлаштиришдаги муҳим вазифалар	226
31.	Жаҳонгир Шодмонқулович Раббимов, Садриддин Файзуллаевич Фозилов Хусен Мамедкулович Мустафоев Ишлатилган мойлар асосида юқори сифатли альтернатив битум мастикаларини олиш технологияси	233
32.	Жаҳонгир Шодмонқулович Раббимов, Садриддин Файзуллаевич Фозилов Анора Файзуллаевна Ғайбуллаева Ишлатилган мойларни регенерациялаш технологияси	239
33.	Жўрабек Жалилович Мажидов, Муҳаммадали Муҳиддин ўғли Зайниев XX аср 70-80 йилларида Бухоро вилояти йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиши омиллари спиртли ичимлик истеъмоли мисолида (даврий матбуот материаллари асосида)	246
34.	Б.А.Мавланов Исследование особенности радикальной сополимеризации гетероциклических метакрилатов со стиролом	252
35.	Khusan Isaev Statistical characteristics of heart rate variability	259
36.	С.М.Ходжаев, М.С.Низомиддинова, Ч.О.Камбарова, Н.С.Ходжаева Организация станции технического обслуживания при Ферганском политехническом институте	265
37.	Сарбиназ Суканбердиевна Бектурганова, Садриддин Файзуллаевич Фозилов Ойдин Юлдашевна Ахмедова Н-бутандан метилэтилкетон олиш жараёнига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш	275

XX аср 70-80 йилларида Бухоро вилояти йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиши омиллари спиртли ичимлик истеъмоли мисолида (даврий матбуот материаллари асосида)

Жўрабек Жалилович Мажидов
mahmudorziyev@gmail.com

Муҳаммадали Муҳиддин ўғли Зайниев
mahmudorziyev@gmail.com
Бухоро давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада XX асрнинг 70-80 йилларида Бухоро вилоятида спиртли ичимликлар истеъмоли сабабли содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари хусусида даврий матбуот материаллари асосида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Транспорт, матбуот, Свердлов, спиртли ичимлик, ҳалокат, қоидабузар, техник кўрик, мотоцикл, чора-тадбир

In the 70s-80s of the 20th century, the factors of road traffic accidents in the Bukhara region are the example of alcohol consumption (based on periodical press materials)

Jurabek Jalilovich Majidov
mahmudorziyev@gmail.com

Muhammadali Muhiddin oglu Zainiyev
mahmudorziyev@gmail.com
Bukhara State University

Abstract: In this article, based on periodical press materials, the traffic accidents and their consequences caused by the consumption of alcohol in the Bukhara region in the 70s and 80s of the 20th century are discussed.

Keywords: Transport, press, Sverdlov, alcohol, accident, violator, technical inspection, motorcycle, measures

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Бухоро вилояти йўлларида автомобиллар ҳаракати оқими кўпайиб борган бўлиб, аҳоли турмуш шароитининг ошиб бориши билан хусусий транспорт воситаларининг кўпайиши ҳам кузатилади. Бу

эса йўлларда транспорт ҳодисаларининг кўпайишига, айрим ҳолатларда ҳалокатларга ҳам сабаб бўлган.

Матбуот ўз даврининг кўзгуси сифатида жамиятдаги барча ўзгаришларни ёритиб бориш асносида транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этилган ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтганлигини кўришимиз мумкин. 1972 йилги маълумотларнинг бирида, Шариф Қўчқоров исмли шахс “Восход” “33-08 БХБ” русумли мотоциклини маст ҳолда бошқаргани, Наби Логинов эса, “Иж-55” мотоциклини маст ҳолда ва гувоҳномасиз, давлат номерисиз Бухоро-Ғиждувон йўлига олиб чиққанлиги, улардан бири дарахтга, иккинчиси қарши томондан келаётган транспортга урилиб, оғир жароҳат олганлиги келтирилган. Шунингдек, Свердлов (ҳозирги Жондор) туман маиший хизмат комбинати шофёри Шокир Шодиев маст ҳолда йўловчиларни олиб ҳаракатланиш оқибатида фалокат юз бериб, бир киши вафот этганлиги, қолганлар касалхонага ётқизилганлиги, вилоятда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг 30% га мастлик сабаб эканлиги, ҳайдовчиларга нисбатан талабни ошириши таклиф сифатида келтирилганлигини кўриш мумкин[2]. Эҳтимол мана шу танқидий мақола таъсирида бўлса керак Вилоят совети ижроия комитети фармойиши билан 1972 йил 10 октябрдан 10 ноябргача “Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ойлиги” ўтказилган[3] лиги ҳам даврий матбуотда ўз аксини топган.

1978 йил 1 ярим йилида қилинган сарҳисобларда вилоятда 34632 йўл қондасини бузиш ҳолати аниқланиб тегишли чора кўрилган. Шундан 668 таси маст ҳолатда автомобилни бошқариш билан боғлиқ бўлган. Ҳолатларнинг 61 таси шофёрларнинг маст ҳолатида содир бўлиб аварияларнинг 22,8% ини ташкил этган. Огоҳлантириш профилактика тадбирлари, транспорт пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш натижасида алоҳида шаҳар ва районларда ЙТХнинг камайишига эришилган. Улар Конимех районида 55,6 %, Вобкент 45,6%, Зарафшон шаҳрида 14,3, Навоий 5,9% камайишига эришилган. Айрим районларда назоратнинг бўшашганлиги тушунтириш ишларининг пасайганлиги натижасидла ЙТХнинг ошганлиги кузатилади. Масалан, Бухоро туманида 133,3 %, Ғиждувонда 106,7%, Қорақўла туманида 83,3%, Олот туманида 40%, Бухоро шаҳрида 40,9%, Когон туманида 30,4%, Шофиркон туманида 33,4% ошган[6]лиги қайд этилган. Даврий матбуотга Томди туманидан келган 1978 йил 31 августдаги хат мазмунига кўра туманда йил бошидан буён учта маст ҳолда автомобил бошқарган шофёр гувоҳномасидан маҳрум қилинганлиги келтириб ўтилган[7]. Транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқаришга қарши кураш авж олганлигини юқоридаги маълумотлардан англаш мумкин.

Даврий матбуотда келтирилган маълумотларда Бухоро вилоятида 1980 йилда 618 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд қилиниб, улар оқибатида 180 киши

ҳалок бўлган, 603 киши жароҳатланган. Транспортни маст ҳолда бошқариш оқибатида 153 та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб, 43 киши ҳалокатга учраб, 158 киши жароҳатланган. Шахсий автотранспорт бошқарувчилари билан 415 та ҳодиса рўй бериб, 104 киши вафот этган. 425 киши жароҳатланган. Давлат транспортларини бошқарувчилари томонидан 194 та ҳодиса мастлик натижасида бўлиб, Бухоро шаҳрида юз берган 102 ҳодисада 26 киши ҳалок бўлиб, 94 киши шикастланган[4]. Ҳалокатларнинг тафсилотлари даврий матбуотда ёритиб борилган.

80-йилларда ҳам ичкиликбозликка қарши кураш кучайиб борган ва спиртли ичимлик ичиб, транспорт воситаларини бошқаришга қарши чоралар кучайтирилган. Кўрилган қонуний чоралар матбуотда эълон қилинган бўлиб, Аввалги қоидаларга асосан биринчи марта маст ҳолда рулга ўтирган шахс икки йилга транспортни бошқариш ҳуқуқи бекор қилинган ва улардан 10 сўмдан 30 сўмгача жарима ундирилган. 1984 йилдан бошлаб, муддат бир йилга қисқартирилган бўлсада, жарима 30 сўмдан 100 сўмгача оширилган. Аввалги қоидага кўра, ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳайдовчи жазо муддати ўтгандан кейин бир йил ичида маст ҳолда рулга ўтириш яна такрорласа, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бекор қилиш муддати 2 йилдан 5 йилгача бўлиб, қоидабузарларга 10 сўмдан 50 сўмгача жарима солинган. Янги қоидага кўра жазо муддати 3 йилгача белгиланган[5]. Демак, жарималарни ошириб бориш орқали транспорт ҳодисаларини камайитиришга ҳаракат қилинган.

Кўрилган чора тадбирларга қарамасдан, шунингдек, транспорт воситаларининг кўпайиб бориши каби омиллар натижасида спиртли ичимликлар ичиб транспорт ҳодисасини содир этиш ҳолатлари кўпайиб борганлигини даврий матбуотдаги маълумотлар тасдиқлайди. 1986 йил 2 март кунги “Бухоро ҳақиқати” газетасининг “Рулдаги бадмастлар” номли мақоласида сўнгги ўн кунликда саккизта йўл-транспорт ҳодисаси юз берганлиги олти киши жароҳатланиб, икки киши ҳаётдан кўз юмганлиги билан боғлиқ маълумотларни муштарийларга етказиш билан бошланади. Шунингдек, маст бўлиб транспорт ҳодисасини бошқариш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги, ачинарлиси раҳбар ходимларнинг ҳам бундай ҳолатларга йўл қўяётгани, Жумладан, Ёиждувон туман матлубот жамияти тафтишчиси Х.Шодиев, Зарафшон колхоз бригадани бошлиғи Ҳ.Зиёвуддинов, К.Маркс номли колхоз зотехниги Н.Шодиев, Шофиркон туманидаги тайёрлов идораси омбор мудирини О.Ражабов, Куйбешов номли колхознинг бош бухгалтерини Ғ.Расулов, Свердлов туманидаги Горкий номли ўрта мактаб илмий бўлим мудирини Х.Шарипов, Қорақўл туман матлубот жамиятига қарашли магазин мудирини Э.Меҳмонов, Ойбек номли мактаб ўқитувчиси Ж.Саидов, Когон туманидаги 3-ОРС ошпази Ғ.Ғуломов, Пешку туманидаги Охунбобоев номли колхоз раисини И.Усмонов, Ўзбекистон

колхозининг ферма мудир Ж.Фармонов, Ромитан туман матлубот экспидитери П.Усмонов, Улуғбек номли мактаб ўқитувчиси Ж.Ёдгоров Марказий касалхона буғгалтери З.Қличевлар тилга олиб ўтилган. 5-31 январгача вилоятда мотоцикл 86 операцияси ўтказилиб, 20 мингдан ортиқ ҳаракат қондаси бузилгани, 160 қондабузар маст эканлиги аниқланган. Қўлга тушган 2491 гувоҳномасиз ҳайдовчиларнинг 1429 нафари мотоцикл эгалари эмас. ГАИ томонидан рўйхатга олинмаган 797 транспорт воситасининг 574 тасини мотоцикллар ташкил этган[1]. Аммо, кейинги даврларда даврий матбуотда бу каби ҳолатлар камроқ учрайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX асрнинг 70-80 йилларида Бухоро вилоятида хусусий транспортларнинг кўпайиши, шунингдек, мамлакатда оммавий тус олган эътиборсизлик, бефарқлик кайфияти сабабли автотранспорт воситаларини спиртли ичимликлар истеъмол қилиб бошқариш авж олган. Қўрилган чора тadbирлар эса кўзланган натижани бермаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М Орзиев.РОССИЯ ПРОТЕКТОРАТИ ЎРНАТИЛИШ ЖАРАЁНИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ МУНОСАБАТЛАРИРОССИЯ ПРОТЕКТОРАТИ ЎРНАТИЛИШ ЖАРАЁНИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ...Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).
2. М Орзиев. О аспектах политической деятельности Захириддина Мухаммада Бабура, связанных с Бухарой. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8)
3. М Орзиев Амир темур сиёсий фаолияти ва бухоро уламолари. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8)
4. М Орзиев О роли Бухары в развитии науки и культуры в период правления Амира Темура и Темуридов. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).
5. М Орзиев. «ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ» ДА АФҒОН ТУРКИСТОНИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР (XVIII-XIX асрлар) Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).
6. М Орзиев. Афғонистон давлатининг ташкил топиши ва xviii аср иккинчи ярмида бухоро-афғон муносабатлари. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).
7. М Орзиев. Мўғуллар истилоси ва темурийлар даврида динлараро муносабат

8. М Орзиев. История пограничных конфликтов между государствами Бухары и Афганистана во второй половине XVIII в. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).

9. М Орзиев. Россия защитники о'рнатилиши джарайонида Бухаро амирлиги ва Усмонли Тюрк давлати муносабатлари: Россия истилоси даврида Бухаро давлати ва Усмониёлар муносабатлари манба ва ... Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).

10. Орзиев М. РОССИЙСКО-БРИТАНСКОЕ СОГЛАШЕНИЕ ОБ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ АФГАНИСТАНА ПОСЛЕДСТВИЯ. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).

11. Орзиев М БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА... Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).

12. М Орзиев. ПОЛИТИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ УЗБЕКСКИХ КНЯЖЕСТВ ЮЖНО-ТУРКЕСТАНСКОЙ ОБЛАСТИ В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8).

13. J Majidov. Наземный и воздушный транспорт в СССР. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 1 (1)

14. J Majidov. Основные направления образовательного комплекса на основе экономико-математического моделирования. Архив Научных Публикаций JSPI

15. J Majidov. XX asr 70-йилларининг 2-ярмида Бухорода телефон хизмати хусусида. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6 (2)

16. J Majidov. Бухоро халқ совет республикасида куруклик ва ҳаво транспорти: ечим ва муаммолар. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 8 (8)

17. MJ Jalilovich. TRANSPORT AND ROAD CONSTRUCTION ISSUES IN BUKHARA. ACADEMICIA An International Multidisciplinary ...

18. J Majidov. XX asr boshlarida Eron matbuotining Turkiston va Buxoroga tarqalishi: Turkiston to'plami materiallari asosida. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 6 (2)

19. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологические механизмы девиантного поведения. Психология XXI века. Ярославль., 2020. –С. 125-127.

20. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари: стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2020 yil, 4 son 109-115 b.

21. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмирларда психологик ҳимоя механизмларининг намоён бўлишининг ўзига хослиги. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 4 son 103-112 b.

22. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 3 son 98-106 b.
23. Olimov L.Ya, Baratov Sh. R. Аvezov O.P. Psixologiya nazariyasi va tarixi. Darslik. “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti. Toshkent. 2019. -B. 494.
24. Olimov L.Ya. Shaxs psixologiyasi. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2019. -B. 280.
25. Олимов Л.Я., Эшов Э.С. Аvezov O.P. Девиант хулқ-атвор психологияси. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2019. -B. 420.
26. Olimov L.Ya. Xulqi o‘gishgan bolalar psixologiyasi. Darslik. Buxoro, “Durdona”. 2019. – 460.
27. Olimov L.Ya, Avezov O.R., Baratov Sh. R. Psixologiya nazariyasi va tarixi (o‘quv qo‘llanma) <https://library.sammi.uz/Library/> 1 (1), Ўзбекистон
28. Олимов Л.Я. Глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш. journal.buxdu.uz 2 (2), 141-144
29. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмирларда психологик ҳимоя механизмларининг намоён бўлишининг ўзига хослиги. XXI аср психологияси 1 (1), Ўзбекистон
30. Yarashovich, O. L. (2020). O'smirlarning ba'zi dinamik xususiyatlari kontekstida kurashish xatti-harakatlarini o'rganish xususiyatlari. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 1(1).
31. Olimov, L. (2020). ЛЯ психологической защита: ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 2(2).
32. EZ SATTOROVICH. PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF SPEECH DISORDERS AND THE CAUSES THAT CAUSE THEM ON THE CHILD'S PSYCHE. Academicia Globe: Inderscience Research 1 (VOLUME 3 , ISSUE 1 , JANUARY-2022
33. ЗС Элов. ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА СУИЦИД (ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ) МУАММОЛАРИ. Eurasian journal of Law, Finance and Applied Sciences 1 (2(2021): EJLFAS), 26-28
34. ЗС Элов. ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИЧИН УСЛОВИЙ, ФАКТОРОВ СУИЦИДАЛЬНОГО РИСКА. Евразийский юридический журнал, 2015. 310-312